

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ҚАЛАНДАР САПАЕВ

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ТИЛИ
(морфемика, сўз ясалиши ва морфология)

ТОШКЕНТ – 2009

АННОТАЦИЯ

Мазкур услубий қўлланма ўзбек тили ва адабиёти йўналиши ўқув режасидаги «Ҳозирги ўзбек адабий тили» фани дастурига мувофиқ тайёрланди. Услубий қўлланмадан қуйидаги бўлимлар ўрин олган: 1) морфемика; 2) сўз ясалиши; 3) морфология.

«Морфемика» бўлимида сўзнинг маъноли қисмлари ва уларнинг турлари, хусусиятлари, сўзнинг морфем структурасидаги (таркибидаги) ўзгаришлар ҳақида; «Сўз ясалиши» бўлимида ҳозирги ўзбек адабий тилида янги маъноли сўз ҳосил қилишнинг муҳим белгилари, сўз яшаш усуллари ҳақида; «Морфология» бўлимида сўзнинг грамматик шакллари, сўз туркумлари ва уларга хос грамматик категориялар ҳақида маълумот берилди.

Масъул муҳаррир: филология фанлари номзоди,
доцент М.Ҳамроев.

Тақризчилар: филология фанлари доктори,
профессор Ҳ.Шамсиддинов,
филология фанлари номзоди,
профессор Р.Юнусов.

Корректорлар: М.Сафарниёзова,
Н.Аҳмедова.

Саҳифаловчи: Д.Товакалова.

Услубий қўлланма Низомий номидаги ТДПУ Илмий Кенгашининг 2008 йил 25 декабрдаги 5-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

СЎЗ БОШИ

Ўзак ва аффиксларнинг таҳлили морфологияда ҳам сўз ясалишида ҳам учрайди. Лекин бу икки соҳанинг таҳлили ҳодисага қандай нуқтаи назардан ёндошишга қараб ҳар хил. Шу билан бир қаторда улар учун умумий бўлган ҳодисалар ҳам мавжуд. Шунга кўра ўзак ва аффикслар таҳлилида фақат шу соҳага алоқадор бўлган томонларгина таҳлил қилинади. Бу айрим қисм тилшуносликда «морфемика» деб аталади. Қўлингиздаги ушбу рисолада бу соҳага алоқадор бўлган масалалар қуйидагилардан иборат: аввало *морфема* термини изоҳланиб, ундан кейин морфеманинг турлари (ўзак ва аффиксал) ҳақида маълумот берилади. Шунингдек, морфемаларга ажратилишнинг қонуниятлари (синхрон аспектда), морфемага қўйиладиган талаблар, аффиксал морфемаларнинг турлари, уларнинг ўзак морфемага қўшилиш тартиби, сўз ва шакл ясаш даражалари каби қатор масалаларга ҳам ўрин берилган.

Тилшуносликнинг сўз ясалиши бўлимида, биринчидан, янги лексик бирликларнинг қандай ҳосил қилиниши, иккинчидан, мавжуд ясалмаларнинг қандай пайдо бўлганлиги текширилади. Текширишнинг бу икки томони узаро бир-бири билан боғлиқ ҳодисалар ҳисобланади. Сўз ясаш турли усуллар билан амалга оширилади. Бу усуллар лексик-семантик, фонетик, грамматик ҳодисалар билан чамбарчас боғлиқ. Маълумки, сўз ясалиши ҳодисаси илгари тилшуносликнинг айрим бир соҳаси сифатида эмас, балки морфология ичида текширилиб келинган. Бундай ўрганиш энг асосий усуллар – сўз ясашнинг ҳам, шакл ясашнинг ҳам бир хилда (аффиксация) бўлиши, кўпгина ясовчиларнинг сўз туркумлари билан ҳам боғлиқ бўлиши (-ла аффикси феълликни кўрсатиши билан бир қаторда сўз ҳам ясайди) бир қадар чалкашликларга олиб келарди. Шунга кўра, кейинги вақтларда нашр этилаётган ишларда, ҳатто айрим мактаб грамматикаси дарсликларида ҳам сўз ясалиши тил

фанининг мустақил қисми сифатида морфологиядан ажратилиб, алоҳида бўлим сифатида берилган.

Ҳақиқатан ҳам сўз ясалиши тилшунослик фанининг айрим бир бўлими, мустақил лингвистик соҳа, тармоқ бўлиб, у сўзларнинг ясалишини, янги сўз яшашнинг қонун-қоидаларини, моделларини, воситаларини ва шу билан боғлиқ ҳолда ясалиш структурасини текширади. Демак, бу соҳанинг объекти сўздир. Қўлингиздаги ушбу қўлланмада сўз ясалишига тааллуқли бўлган барча масалаларни имкон даражасида ёритиб беришга ҳаракат қилинди. Сўз ясалиши ҳақидаги барча маълумотлар синхроник аспектта амал қилинган ҳолда баён этилди.

Грамматика тилшунослик фанининг бир қисми бўлиб, у тилнинг грамматик қурилишини текширади. Демак, у сўз ва гапнинг ҳар бир тилдаги шаклий томонларини - сўзнинг шаклан ўзгаришларини, сўз қўшишнинг, сўз бирикмаларининг турли кўринишларини, воситаларини ва гапнинг структурасини, турларини ўрганади. Бу ҳол грамматиканинг қуйидаги 2 қисмдан иборат эканлигини кўрсатади.

1. Морфология; 2. Синтаксис.

Морфологиянинг объекти сўзнинг грамматик томонидир, (сўзнинг грамматик томони деганда, унинг от, сифат, феъл каби грамматик категорияларга бўлиниши тушунилади). У сўзни тилнинг грамматик системаси нуқтаи назаридан текширади. Сўзнинг морфологик таркиби деганда морфологик категориялар, сўзнинг морфологик шакллар системаси, сўз шакллариининг ҳосил бўлиш йўллари, воситалари, сўзларнинг лексик-грамматик категориялари тушунилади.

Морфологиянинг асоси кенг маънода шакл ясашдир, сўзнинг шаклидир. Фонетиканинг асосини унли-ундош, жарангли-жарангсиз каби фонетик оппозициялар ташкил қилганидек, морфологиянинг асоси бир-бирига зид, лекин ўзаро боғланган грамматик оппозициядир (бирлик-кўплик, бўлишли-бўлишсиз каби).

Морфология ва синтаксис бир-бири билан узвий боғлиқдир. Чунки тилнинг грамматик қурилиши яхлит система бўлиб, у морфологик ва синтактик ҳодисалардан, уларнинг қисмлари ўзаро муносабатда бўлган бир бутунлик, ягона система ҳосил қилишидан иборатдир.

Морфологиянинг асоси кенг маънода шакл (сўз шакли) ясашдир. Демак, морфология сўз ҳақидаги таълимотдир.

Морфологиянинг сўз ҳақидаги грамматик таълимот сифатида таърифланиши, унинг текшириш объектлари доирасига сўзларнинг лексик-грамматик категорияларга бўлиниши - сўзларнинг туркумланишини ҳам (от, феъл каби) киритишга имкон беради.

Морфология билан синтаксиснинг яқин муносабати жуда кўп ҳодисаларда сезилиб туради:

1) гапда сўзларнинг боғланиш усуллари ва алоқа шакллари сўзнинг шаклий ўзгариши - морфологик ўзгариши билан боғлиқ;

2) сўз туркумлари ва грамматик категориялар билан гап бўлаклари орасида боғланиш бор, яъни сўзнинг қандай гап бўлаги вазифасида келиши унинг морфологик шакли билан белгиланади;

3) шакл ўзгартирувчи аффикслар ва кўмакчилар синтактик муносабат ифодалайди;

4) сўзларни от, феъл каби гуруҳларга ажратишнинг бир асоси уларнинг синтактик белгисидир.

Қуланма бўлажак бакалаврларга морфемика, сўз ясалиши ва морфологиядан маълумот беришга мўлжалланган.